ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ КЎРИШ БАХТИ БАРЧАМИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

ИНСОНГА НАФ КЕПТИРИШ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 1 сентябр, пайшанба № 146-147 (1988)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг бекиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўнюз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чеҳрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турарjoйлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари - мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қирали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром - фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, аввалambор «Ёш авлодга эътибор -келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпорувчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи - миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш - буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мустақиллик - озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақилликнинг ўн тўрт йили - тарихан қисқа, айни чоғда мазмунан асрларга татигулик давр.

Бу йиллар - Президентимизнинг: «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз» деган чорловини ҳаётга изчил жорий этиш йўлида қўйилган ўн тўрт залворли одимдир.

Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж

Буни кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси, барқарор ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллат ва элатларнинг бугунги ҳаёти исботлаб турибди.



Буни ўтган даврда нефт, ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз ҳам яққол намоён этди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тўла тасдиқлайди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатида ҳамиша Ўзбекистон манфаати устувор.

Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар жаҳон саҳнида ўз мустақил овозига эга юртимиз обрў-эътибори ва элатларнинг бугунги ҳаёти исботлаб турибди.

Буни ўтган даврда нефт, ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз ҳам яққол намоён этди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тўла тасдиқлайди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатида ҳамиша Ўзбекистон манфаати устувор.

Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар жаҳон саҳнида ўз мустақил овозига эга юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳар томонлама ҳимоялашга хизмат қилаётир.

Бунёдкор халқимизга, осойишта юртимизга тўйлар, байрамлар ярашади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик кунини кенг нишонлаш қутлуғ анъанага айланди.

Бу йил байрамнинг асосий тантаналари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда нишонланмоқда. Шу муносабат билан Навоий ҳайкали, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси биноси ва Халқлар дўстлиги саройи оралиғидаги муҳташам томоша мажмуи бетакрор гўзаллик касб этди.

31 август оқшоми. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тантанага ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланганидан дарак беради. Маҳобатли саҳнада байроқдорлар саф тортади.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Майдонда Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланиб, нурли паннода «14» рақами шуълаланади. Улкан экранда юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган оламшумул ишлар, халқимиз эришган залворли ютуқларни акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолиг муносиб турмуш шароти яратиш - бугунги кенг қамровли ислоҳотларимиздан кўзланган бош мақсадни қисқача ана шундай ифодалаш мумкин. Бунда асосий устувор вазифа, Президентимиз парламент палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берганидек, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат бўлиб қолаверади.

(Давоми 2-бетда)

ЭЗГУЛИК ВА ТАРОВАТ МАСКАНЛАРИ

Мустақиллик кишини бунёдкорликка, яратувчиликка бошлайди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтимизда ва мамлакатимиз вилоятларида кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилаётгани шукуҳли айём завкини оширади, кўксимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Истиқлол мана шу янги иншоотлар тимсолида янада ёркинроқ намоён бўлиб, қалбимизда ғурур ва сурур тошади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясининг ўзига хос ўрни бор. У Ўзбекистонда темир йўл тизимини ҳамда тегишли инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришда кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Мисол сифатида учинчи босқич ишлари поёнига етаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» магистралини, фойдаланишга топширилган «Тошгузар-Деҳқонобод» ва «Тошгузар-Қарадаҳна» участкаларини, битиш арафасида турган «Бойсун-Дарбанд» участкасини, Тошкент билан Самарқанд ўртасида қатнаётган «Регистон» тезюрар поездини келтиришнинг ўзи кифоя.



Тошкент марказий темир йўл вокзали ҳам бугун бутунлай ўзга қиёфа касб этган. Транспорт шовқини, ғала-ғовур, аччиқ тутуни ва чанг-тўзони билан ёдимизда қолган вокзал олдидаги майдон кўкаламзорлаштирилди.

Асосий бино миллий меъморлик анъаналари асосида таъмирланди. Йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 август куни Тошкент марказий темир йўл вокзалига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бундай гавжум иморатлардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари катта масъулият талаб қилишини, шу боис ҳар бир ишни аввалдан пухта ўйлаб амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Масалан, вокзал ёнидаги кўприк тор, дидсизлик билан қурилган. Уни шаҳарнинг бош лойиҳаси ва вокзал тузилмасига мос келади, деб бўлмайди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам ундан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Президентимиз Тошкент билан Бухоро ўртасида қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилаётган «Шарқ» тезюрар поездини кўздан кечирди. Уни жиҳозлаш, йўловчи ва поезд хизматчиларига яратилган шароитларни янада яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берди. Мамлакатимизда малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, илғор технологияларни кенг жорий этишга, назарияни амалиёт билан чамбарчас боғлаб олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 21 июлда имзоланган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ана шундай хайрли ишлар йўлидаги яна бир қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ театр санъати, кино, телевидение, санъатшунослик ҳамда соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида пойтахтимизнинг Мироншоҳ кўчасида барпо этилаётган бинолар мажмуи ушбу олий ўқув юрти тасарруфига берилди.

(Давоми 2-бетда)

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ХОТИРА

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидан репортаж

Истиқлол халқимизга ўзлигини англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш, она-Ватанимиз ҳурлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконини берди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган минглаб ота-боболаримизнинг ноҳақ қораланган муборак номлари яна покланди. Ватанимиз истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатағон курбонлари хотираси абадийлаштирилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи мана шундай зотларга кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Юнусободдаги Бўзсув соҳилида улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган муҳташам музейда мустабид тузум жабру ситамлари, қатағонларидан шаҳодат берувчи экспонатлар жой олган. Саккиз устунли улкан гумбаз остида шаҳидлар руҳи покига эҳтиром сифатида ўрнатилган рамзий қабр атрофидан эса зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланаётган файзиёб кунларда бу маскан зиёратчилар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бинобарин, бугунги тинч-осуда ва фаровон ҳаёт қадрига етиб, ўтмишнинг изтиробли, кир ва қора саҳифаларидан сабоқ чиқариб, ёруғ ва нурли келажак сари матонат билан интилиб яшашимизда бундай табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи. Қуёшнинг заррин ёғдулари атрофни нурафшон этишга чоғланган кезда мажмуа янада гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида мазкур ёдгорлик мажмуини бунёд этиб, халқимиз кўнглидаги ишни қилдик, деди давлатимиз раҳбари. Бугунги дориламон кунларга эришишимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг аянчли қисмати билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш доимий эзгу амалларимиздан бўлиши даркор.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш, қадрига етишга ундайди. Айниқса, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кескин кураш бораётган, айрим кучлар томонидан юртимизга ноҳақ таъна ва маломат тошлари отилаётган бир пайтда ўзини шу замин фарзанди деб билган ҳар бир инсон бепарво ва лоқайд туришга ҳаққи йўқ. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг эзгу қутловларимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Бу йил - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётидаги муҳим сана. Биз ташкилотнинг 60 йиллигини нишонлаймиз ҳамда жаҳоннинг барча мамлакатлари томонидан XXI асрда энг яхши дунёни барпо этиш учун асос сифатида 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик декларациясининг беш йиллик ҳисоботини тайёрлаймиз. Ишонаманки, БМТга аъзо мамлакатлар ушбу воқеага ўз назари, эзгу нияти билан холисона ёндашадилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини такомиллаштириш ва янгилаш учун узоқни кўзловчи чора-тадбирларни амалга оширишга тайёр бўладилар.

Ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳар қандай амалдаги институтнинг доимий ҳамроҳи бўлиши шубҳасиз. Аммо мен бу йил ундан-да кенгроқ фаолликни кўраяпман. Мен уни кейинги бир неча йил мобайнида яққол намоён бўлган хавф-хатарларга, чунончи, халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш каби хавфларга, шунингдек, давом этаётган қашшоқлик, очлик ва касалликлардан иборат глобал таҳдидларга нисбатан биргаликда жавоб топиш мумкин бўладиган ноёб имконият деб биламан.

Ўзимизнинг муштарак миссиямизни амалга ошираётган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистоннинг бардавом етакчилиги, олган мажбуриятларига содиқлиги ва мададига умид боғлай олиш бизга мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган бағоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,
БМТ Бош котиби

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари анъанавий дўстлик, ишонч, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилишдан иборат мустаҳкам асосда дадил ривожланиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Ишончим комилки, икки томонлама муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантириш масалаларидаги мавжуд ҳамжиҳатлик Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни ва халқингизни шахсан ўз номимдан ва ватандошларим номидан самимий муборакбод этаман.

Германия қуролли кучларининг ISAF миссияси доирасидаги вазифаларини бажаришда уларга Термизда база бериш йўли билан кўрсатилаётган мадад учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Халқаро ҳамкорлик Афғонистонда ўз самарасини берди.

Мамлакатингиз ва унинг фуқаролари фаровонлигини кўзлаб демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни қатъият билан амалга ошириш йўлида Сизни қўллаб-қувватлайман.

Сизга ва оилангизга энг эзгу истаклар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, эркинлик, хавфсизлик ва омонлик тилайман.

Хорст КЁЛЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига ўн тўрт йил тўлиши муносабати билан Сизни ва ўзбек халқини турк халқи ва ўз номимдан табриклайман.

Халқларимиз ўртасидаги муштарак маданият ва тарихга таянган теран ришталардан куч олган алоқаларимизнинг келажакда ҳам ўзаро ҳурмат ва манфаат тамойиллари асосида ривожланиб боришини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик тилаб билдираётган энг эзгу ниятларимни такрор изҳор этаман.

Ахмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини самимий табриклайман.

Келгусида алоқаларимизни ўзаро манфаатли асосда барча соҳаларда ривожлантиришимиз ва фойдали ҳамкорлик соҳаларини ўрганиб чиқиш учун ҳозирги давр берган фурсатлардан фойдаланишимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ришталарнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Зоти Олийларига соғлик ва бахт, Ўзбекистон халқига фаровонлик ва омонлик тилайман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Бош вазири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Миллий байрами билан Сизни самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик бундан буён ҳам барча соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Сизга ва мамлакатингизга келгусида катта муваффақиятлар тилайман.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси келгусида ҳам болгар ва ўзбек халқларининг манфаатлари йўлида барча соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини тўхтовсиз излайверадилар, деб ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни изҳор этаман ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Георги ПАРВАНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда)

Ўтган даврда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, аҳолининг реал даромадлари ўсди. Кўқдумалоқ конида қўшимча газлардан фойдаланиш лойиҳаси ниҳоясига етди. Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-совутиш қурилмаси, «Умид» нефть-газ конденсати конида комплекс тайёрлаш қурилмалари фойдаланишга топширилди. Кўплаб магистрал газ қувурлари, темир йўллар, автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичлар ишга туширилди.



Хорижий инвестицияни жалб этиш эвазига янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилди. Мустақиллик байрами арафасида биргина тўқимачилик соҳасида ўнга яқин қўшма ва хорижий корхона очилгани бунга яққол далил бўла олади.

... Ранго-ранг шарлар самога кўтарилади. Ўзбекни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи ялловлар билан тантананинг бадиий қисми бошланади.

Ҳа, бугун қанча фахрлансак арзигулик ишларимиз кўп. Бир мисол. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилар мобайнида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 75,5 фоиз ошган - харидорларга 61,4 мингта автомобиль жўнатилган. 2008 йилга бориб эса завод конвейерларидан 180 мингтагача машина чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ушбу соҳада «СамКочавто»нинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Ҳозир корхона жамоаси 20 турдаги автобус ва юк машинаси тайёрлаяпти.

Дунё бозорида ўзбек авиасозлари маҳсулотларига қизиқиш тобора ортмоқда. Жаҳон самолётсозлик саноати етакчиларидан бири - Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган самолётлар яқинда Россияда ўтган «МАКС-2005» халқаро аэрокосмик салонида намойиш этилди. Бу ерда ҳам ўзбек авиасозлари ўз имкониятларини намоён этишга муваффақ бўлдилар. Ўнлаб йирик компаниялар ва фирмалар вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида музокаралар олиб бордилар. Ўзбекистон самолётларига қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ил-114 ва Ил-103 самолётларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ давлат билан ҳамкорлик қилаётган бўлсак, бугунги кунда 2 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ташқи савдо фаолиятини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқи, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа инвестиция банки, Германия тикланиш кредит банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси

Ислоҳот инсон учун

ИЙМОНЛИ ҚИЛИБ ЯРАТГАНИНГГА ШУКР

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари асосий эътиборни меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга, соғломлаштиришга қаратмоқда. Бу ўз навбатида касаба уюшма ташкилотлари мавқеи мустаҳкамланишида, фаолият таъсирчанлиги ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Касаба уюшмаларининг изчил фаолият юритиши натижасида вилоятда 68 та тармоқ келишувлари, 1,5 мингдан зиёд жамоа шартномалари тузилди. Вилоят бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси учун сарфланаётган маблағ ҳар бир ходимга ўртача 21 минг сўмдан тўғри келди. Бу олдинги йилларга нисбатан анча юқори.

Ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим йўналиши ҳар бир кишининг доимий иш ўрни бўлиши ва маоши ўз вақтида тўланишидир. Ишлаб чиқариш бозорга боғлиқ бўлган ҳозирги шароитда айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик пайдо бўлмоқда. Шунинг учун вилоят кенгаши прокуратура идоралари билан ҳамкорликда иш ҳақи ўз вақтида тўланишининг аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқди. Бу масала юзасидан иш берувчиларга 170 та талабнома қўйилди. 86 ҳолатда ҳокимият, прокуратура, суд идораларига мурожаатномалар киритилди. Натижада иш ҳақидан қарздорлик анча камайтирилди.

Жойларда жамоа шартномаларининг янги иш ўринлари яратишга доир бандлари бажарилишига катта эътибор берилди. Бу борада вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан яқин ҳамкорлик қилинди. Махсус Дастурга мувофиқ иш олиб борилиб, 130 мингта иш ўринлари яратилди. Бунинг катта қисми кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

Меҳнат муҳофазаси борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларига, меҳнат муҳофазаси мутасаддиларига услубий, ташкилий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлганларга, ҳалок бўлганларнинг оилаларига 38,3 миллион сўм товон ва нафақа пуллари ундириб берилди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони 3,5 бараварга камайди.

Жойларда меҳнатга оид қонунларга риоя этилишини назорат қилиш бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятида асосий ўрин тутмоқда. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури талаблари асосида меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилди. Юздан зиёд корхоналарда бу борадаги ишлар аҳволи ўрганилди. Қонунбузилиш ҳолатлари ўз вақтида бартараф этилди ёки олди олинди.

Соҳадаги ишларнинг яна бир қирраси меҳнаткашларнинг ариза-шикоятлари билан ишлашдир. Касаба уюшмаларига қарийб 17 минг мурожаат тушган. Шундан вилоят кенгашига 5023 та оғзаки, 484 та ёзма мурожаат қилинган. Кўтарилган масалалар ўрганилиб, қонуний чоралар қўлланилиши оқибатида 1373 ходим ўз ишига тикланди.

Меҳнаткашларни соғломлаштириш йўналишида дастур бўйича иш олиб борилаяпти. Ҳар йили уч минг кишигача санаторийларга йўлланма берилаяпти. Соғломлаштириш тадбирлари фақат шундан иборат эмас. Оммавий спортнинг ривожлантирилиши бу борада яхши самара бераяпти. Касаба уюшмалари ташкил этган тадбирларда минглаб кишилар қатнашмоқда. Вилоят касаба уюшмалари тасарруфидаги 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти йил сайин самарали ишлаяпти. Ўтган даврда БЎСМлар тарбияланувчиларининг 8 нафари жаҳон, 16 нафари Осиё, 128 нафари республика чемпиони бўлишди.

Мустақиллик туфайли касаба уюшмаларининг халқаро алоқалари ҳам кенгайди. Самарқандга Туркия, Корея, Озарбайжон, Япония, Миср, Дания касаба уюшмаларининг делегациялари келиб кетишди. Улар билан тажриба алмашилди.

Бугунги кунда олдимизда кенг кўламли масалалар турибди. Иш берувчилар билан муносабатларни тўғри ташкил қилиш, жамоа шартномаларининг амалий аҳамиятини ошириш, бошланғич ташкилотлар мавқеини кўтариш шулар жумласидандир.

Ойсулув НАФАСОВА,
Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

ҚАДДИ БАЛАНД КИШИЛАР

Мамлакатимизда кўплаб саноат дарғалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иқтисодиётимизни юксалтиришдаги хизмати алоҳида аҳамиятга эга. «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти ана шундай катта нуфузга эга ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади. Унинг юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саккиз тўлқинли шифер, ясси шифер, асбоцемент қувурлар, керамикали черепица ва бошқа кўпгина қурилиш материалларининг асосий қисми мазкур корхона ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мустақиллик корхона ҳаётида ҳақиқий юксалишни бошлаб берди. Ишлаб



чиқариш ҳажми йил сайин кенгаймоқда. Хусусан, ўтган йили бу ерда 8 миллион 768 минг дона шифер, 97 километр узунликдаги асбоцемент қувурлар ва бошқа турдаги 21 миллиард 464 миллион 700 минг сўмликдан зиёд бинокорлик материаллари тайёрланган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 22 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида олинган соф фойда 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Бу корхонанинг иқтисодий қуввати олдинги йилларга нисбатан бир мунча юқорилаганлигини кўрсатади. Шунга яраша ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Айни дамда уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 200 минг сўмдан зиёдга тўғри келмоқда.

Иноқ жамоа бугунги кунда корхонанинг иқтисодий ривожланиши йўлида қўлни-қўлга бериб сидқидилдан бирга четга ҳам маҳсулот чиқарилмоқда. Йил бошидан буён 130 минг АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш материаллари хорижга экспорт қилинди. Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа сифатида корхонада янги маҳсулот - рангли шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, янги компрессор мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.


Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга корхонада катта аҳамият қаратилган. Бу борада маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси таъсирчан кучга эга. Жумладан, ўтган йилда ушбу ҳужжат бўйича ижтимоий ҳимояга йўналтириш учун кўзда тутилган 312 миллион сўм ўрнига 502 миллион сўм сарфланган. Жорий йилда эса бу мақсадга 448 миллион сўм режалаштирилган бўлиб, саккиз ой мобайнида белгиланган режа 120 фоизга ошириб бажарилди.

– Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан меҳнат аҳли соғломлигини таъминлаш мақсадида талай ишларни амалга оширяпмиз, – дейди жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Озод Хушмуродов. – Жорий йилнинг июн-июл ойларида ишчи-хизматчиларимиздан 120 нафарини «Олтин ёмби», «Кумушкон» пансионатларида дам олдирдик. Уларнинг 50 нафар фарзанди эса сўлим «Мовий денгиз» оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, корхонада 622 нафар ишчи-хизматчи бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳар бир ишчи текин дори-дармон билан таъминланган. Уларнинг шифохонада даволанишлари учун ҳам корхона керакли маблағ ажратади.

Жамоа аъзоларининг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида спорт мусобақалари, турли маданий тадбирлар тез-тез уюштириб турилади. Жумладан, март ойида аёллар ўртасида югуриш, узоқликка сакраш, волейбол, шоҳмот-шашка, эркаклар ўртасида мини футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди. «Қувноқлар ва зукколар» танлови, миллий ашула ва рақс кечаси меҳнаткашлар қалбига завқ улашди. Май-апрел ойларида 60 нафар ишчи-хизматчи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган концерт томошаларига боришди. Жамоат ишларида фаол қатнашган 15 нафар ёшлар эса Бухоро шаҳрига саёҳатга юборилди.

Энг асосийси, корхонада меҳнаткашларнинг хавфсиз ишлашлари учун барча шароит яратилган. Улар махсус иш кийимлари билан тўла таъминланишган. Цехларда ҳавонинг тозалигини сақлаш мақсадида замонавий чангютқичлар ўрнатилган. Жаҳон андозасига мос асбобускуналар ишчиларга қулайлик туғдирмоқда. Ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари улар хизматида. Яна бир гап. Корхона томонидан 50 миллион сўм маблағ сарфланиб, ишчи-хизматчилар учун замонавий услубдаги 300 ўринли кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари қурилмоқда.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири



КАТТА ХУРСАНДЧИЛИК БИЛАН

Энг улуғ, энг азиз байрам - Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тантаналари Навоий вилоятида жуда катта хурсандчилик билан ўтмоқда.

Конимех тумани марказида ҳам байрам шодиёналари кўтаринки руҳда давом этди. Шу куни туман марказида болалар спорти мажмуи, 20-мактаб-интернат, туман ФҲДЁ ва нотариал идораларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Байрам тадбирларида туман маданият уйи томонидан тайёрланган «Истиқлолинг муборак, она диёрим!» деб номланган театрлашган концерт дастури ҳам намойиш этилди. Унда ҳаваскорлар жамоалари ва таниқли санъаткорлар ижросида турли тиллардаги куй-қўшиқлар янгради. Байрам қатнашчилари «Жас тулек», «Дидар» халқ дасталари чиқишларини олқиш билан кутиб олишди.

* * *

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари бошланиб кетди. Энг азиз, энг улуғ байрамни фарғоналиклар ҳам кўтаринки руҳда кутиб олмоқда.


Вилоят марказидаги Ёшлар маданият ва спорт мажмуасида «Ватан - сен муқаддассан» деб номланган театрлаштирилган байрам томошалари бўлиб ўтди. Унда меҳнат илғорлари ва фахрийлари, ўқувчи ва талаба ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, Фарғона вилоятидаги кенг кўламли ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтди. Таниқли хонандалар ижросида Ватан, мустақиллик ва тинчликни улуғловчи куй-қўшиқлар янгради, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларнинг чиқишлари даврага ўзгача шукуҳ бахш этди.

(ЎзА)

ЎЗГАДАН МАРҲАМАТ КУТМАЙ

Маълумки, қишлоқ хўжалиги нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий ҳаётда ҳам алоҳида ўрин тутади. Ушбу соҳанинг ривожланиши эса, шубҳасиз, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан бевосита боғлиқ. Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан жойларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар айнан шу тармоқни ҳар томонлама тараққий топтиришга қаратилган. Ана шу Фармон ва қарорлар мазмун моҳиятини яхши англаб етган фермер борки, мамлакатимиз иқтсодиётини юксалтириш каби эзгу мақсад сари интилмоқда.



Фикримизнинг исботи сифатида Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги «Ражаб Раҳим» фермер хўжалиги фаолиятига назар ташлайлик. 53,2 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермер К.Ражабов истиқлолимиз берган имкониятлардан унумли фойдаланаётгани боис пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Эзгу ишлар унинг жонудили. Бир қарасангиз, қайсидир билим масканини таъмирлашни зиммасига олган ёки тумандаги аҳволи оғир ташкилотга, қайсидир ёрдамга муҳтож инсонга ғамхўрлик қилаётган бўлади. Яқинда у яна бир хайрли ишга қўл урди. Тумандаги Ҳожихон Болтаев уй музейи қурилишига 1 миллион 300 минг сўм миқдорида маблағ ажратди.

– Ўйлайманки, ушбу музей халқимиз, қолаверса, ёшлар ва келажак авлод учун зарур бўлган маънавият ўчоғи бўлиб қолади, – дейди К.Ражабов.

Шовот туманидаги «Анор» фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Акманов ҳам саховатпешаликда бошқалардан қолишмайди. У бир неча йилдирки, 31,1 гектар ерда деҳқончилик қилади. 22,2 гектар майдонга пахта, ғалла экиб мўл ҳосил олиш билан биргаликда мева кўчатлари етказиб беришни ҳам йўлга қўйган.

Б.Акмановнинг саъй-ҳаракатлари билан бир неча маҳалладошлари иш билан таъминланди. Шунингдек, у яқинда туман йўл қурилиши бошқармаси ҳисобига 1 миллион 100 минг сўм ўтказди. Бундан ташқари, зарур пайтда баъзи ташкилотларга ҳомийлик қилиш, ёрдамга муҳтож қариялар уйларини таъмирлаб беришдек эзгу ишларни ҳам амалга ошириб келмоқда.

Шубҳасиз, экин экиладиган майдонлар ҳосилдорлигини ошириб бориш ҳамда ердан оқилона фойдаланиш деҳқон учун ютуқлар гаровидир. «Боғот» фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов буни жуда яхши билади. У 198,5 гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиради. Асосий экин майдони ҳисобланган 104,3 гектар ердан ҳар йили кўзланган зиёд ҳосил олади. Каттагина ерга эгалик қилиб келаётган деҳқон бугун нафақат тумандаги, балки вилоятдаги фермерлар орасида бақувват хўжаликлардан ҳисобланади. Шарифбой аканинг режалари юксак. Шулардан бири ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда тармоқни янада кенгайтиришдир.

– Инсон қўли нималарга қодир эмас, у хоҳласа қақраб ётган чўлу биёбонни боғ-бўстонга айлантиради, катта ишларни ҳам амалга оширади, – суҳбатни давом эттиради фермер. —Кимдаки бирон бир ишга қизиқиш ва иштиёқ бўлса, кўзланган мақсадга албатта эришади. Шарифбой ака ҳам меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва изланувчанлиги боис бугун эл назарига тушди. Ҳавас бўларли даражада ютуқларга эришди. Саховатли еримиз инъоми уни хайрли ишлар сари етаклади. Меҳрибонлик уйлари дейсизми, ёки ногиронлар уйларими, тумандаги билим масканларими барчаси Шарифбой аканинг кўмагидан баҳраманд бўлаётир. Байрамлар арафасида ёлғизларни йўқлаш, ёрдамга муҳтожларнинг кўнглини овлаш саховатпеша инсоннинг эътиборидан четда қолмайди.

Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Олимпия захиралари коллежида «Ҳеч кимдан кам бўлмайди, Ватаним маним» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.

У Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Болалар жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди. Икки кун давом этган спорт мусобақаларида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг жамоалари ўзаро куч синашди.

Спортнинг енгил атлетика, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка турлари бўйича ўтказилган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Олимпия захиралари коллежи, учинчи ўрин Нукус спорт коллежи жамоаларига насиб этди.

Риштон тумани Окер қишлоғидаги 51-мактаб «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»га кўра янгидан барпо этилди.

ТУҲФА

Олтиариқ туманидаги 1-хусусий қурилиш жамланмаси қурувчилари эски мактаб биносини қисқа муддатда қайта тиклади. Янги мактабдаги замонавий талаблар асосида жиҳозланган синфхоналар, фан кабинетлари ва барча қулайликларга эга бўлган спорт зали энди ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

* * *

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Конимех тумани марказида замонавий спорт иншоотн қуриб фойдаланишга топширилди. «Зилола пойдевори» ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари бунёд этган мажмуани Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт анжомлари билан таъминлади.

Айни пайтда бу ерда болаларнинг ҳар томонлама чиниқиши, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, бокс, енгил атлетика каби турлари билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Навбаҳор туманидаги Ортиқ Фармонов номли фермерлар уюшмасида ҳамда Кармана тумани марказида ҳам ана шундай спорт мажмуалари ишга туширилди.

(ЎзА)

ГУЗАРДАГИ ХАЙРЛИ ТАДБИР

Сергели тумани меҳнаткашлари мустақиллигимизнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. Байрам арафасида янги йўл ва кўприк ишга туширилди. Энди туманимиз аҳолиси шаҳар марказига, Қўйлик даҳаси ва Отчопар бозорларига осонгина текис йўлдан бора оладилар.

Бундан ташқари, туман марказий гузарида ҳокимлик, хотин-қизлар қўмитаси, ижтимоий таъминот, «Камолот» бўлимлари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, кичик бизнес матлубот кооперацияси ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси вакиллиги билан ҳамкорликда байрамга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечага меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар, кўпригимиз қурилишида қатнашган барча ишчилар, туман ободонлаштириш ходимлари, меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар таклиф қилинди. Шу куни маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган 210 нафар оила фарзандларга суннат тўйи ўтказилди. 15 нафар ногирон болаларга ҳам меҳр-мурувват кўрсатилди. 225 нафар кичкинтойларга эса кийим-кечак, ўқув қуроллари ва китоб-дафтарлар олиб берилди. Кўприк қурилишида жонбозлик кўрсатган ишчиларга қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Совға-саломлар улашилди. Баъзи бир кела олмаган ногиронларнинг хонадонларига бориб совға-салом топшириб, меҳр-мурувват кўрсатдилар. Туман маданият уйи санъаткорлари уларга концерт дастурини намойиш қилдилар. Туман маданият ва истироҳат боғида катта байрам сайли ўтказилди. Бу ерда меҳнат ва уруш фахрийлари ва уларнинг фарзандлари учун бепул дам олишлар ташкил қилинди.

Ш.ШАМШИЕВА

Касаба уюшма аралашуви билан

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фуқаролар билан ишлаш, уларнинг таклиф ва истакларини, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашига кейинги йилларда 543 та, шу жумладан 262 та ёзма, 281 та оғзаки мурожаатлар тушди.

Ушбу долзарб масала Марказий Кенгашнинг раёсат мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқиляпти. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар билан ишлашда ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга доир тавсиялар қабул қилинмоқда. Эътироф этилаётган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Ариза ҳамда шикоятларнинг аксарияти айрим қуюшқондан чиқиб кетган раҳбарларнинг фаолиятидан норизо бўлиб ёзилган. Шунингдек, ноҳақ ишдан бўшатиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол этиш, иш вақтида жароҳат олиб, товон пулини ўз вақтида ололмаётганлик тўғрисидаги шикоятлар ҳам анчагина.

Марказий Кенгашга мурожаат қилган фуқаролар раис ёки унинг ўринбосарлари, бўлим мудирлари томонидан қабул қилиняпти. Уларнинг арзлари тингланиб, ишлари имконияти борича қисқа муддатларда кўриб чиқилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ижобий ҳал этилиши учун барча чоралар кўриляпти. Масалан, Бухоро вилоятидан С.Умаров ва А.Одилов, Қашқадарёдан Т.Кудратов ва Х.Жумаев, Сирдарёдан Ж.Тошматовларнинг ноҳақ ишдан бўшатилганлик ҳақидаги шикоятлари шу тахлитда кўриб чиқилди.

Айрим аризалар тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, Марказий Кенгашга "Олмазор" қишлоқ хўжалиги коллежининг собиқ директори М.Норметова томонидан ариза тушди. У ўз шикоятида ноҳақ ишдан бўшатилганлигини баён этади. Унинг шикояти мутахассислар томонидан синчиклаб кўриб чиқилди. Натижада иш берувчи, яъни Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази раҳбари Ж.Ҳусанов томонидан Ўзбекистон Меҳнат Кодексининг моддалари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Охир-оқибатда Марказ раҳбарининг ноқонуний буйруғи бекор қилиниб, М.Норметова ишга қайта тикланди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли соғлиғига етказилган зарар ва боқувчисини йўқотганлиги учун тўловларни ундириб бериш тўғрисидаги шикоятлар ҳам кўплаб учрайди. Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон 5 йиллиги" тажриба хўжалигида яшовчи II гуруҳ меҳнат ногирони Хабиба Шермуҳамедованинг шикоят хати мазмуни ҳам шундай эди. Ариза атрофлича ўрганиб чиқилди ва Х.Шермуҳамедованинг ҳақли талаби қондирилди.

Тармоқ меҳнаткашлари ўртасида меҳнат қонунчилигини атрофлича тарғиб этиш мақсадида 5 та ўқув семинари ўтказилди. Барча вилоят кенгашлари ҳуқуқий адабиётлар билан ўз вақтида таъминланмоқда.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

МУСТАҚИЛЛИК фаолиятимизга ўзгача маъно бахш этди

Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Шиддат билан илгарилаётган давр руҳи, истиқлол ёлқини иш услубимизни такомиллаштириш, ижодкорлик, ташаббускор ва фидойи бўлишни тақозо этмоқда. Зеро, «Инсонга наф келтириш - олий бахт» тамойили ҳаракат дастуримизнинг негизидир.

Марказий кенгашимиз фаолияти мустақиллик йилларида янада такомиллашди. Бутун диққат-эътиборимиз тармоқ меҳнаткашларини, талабалар ва Ўзбекистон Фанлар академияси ташкилотлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга, маънавий-маърифий юксалтиришга, меҳнат шароитини яхшилаш, саломатлигини тиклаш ва дам олишларини мазмунли ташкил этишга қаратилган. Бу хайрли ишда ўзаро ҳамкорлик асосида тузилган жамоа келишувлари ва шартномалари ишончли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Айни кунда тармоқ касаба уюшмалари таркибида 6211 та бошланғич ташкилот мавжуд. Шундан юридик мақомга эга бўлган 4271 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 1 миллион 486 минг нафар касаба уюшма аъзоларининг манфаати қамраб олинган. 4600 ташкилотдаги жамоа шартномасига меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. Жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ ҳар бир ходим ва талабага 2000 йилда 3000 сўмни ташкил этган бўлса, орадан тўрт йил ўтгач, у 9400 сўмга етди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу эзгу иш ҳамиша диққат марказимизда. 57 мингдан ортиқ ходимлар ва талабалар имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштирилганлиги қувончли ҳолдир. Шунингдек, болаларни ёзги мавсумда мириқиб дам олишлари ва саломатликларини тиклашларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ушбу мақсад учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» ва «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурлари асосида белгиланган чора-тадбирларнинг барчаси ўз ижросини топди. Биргина «Сиҳат саломатлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ўтказилган тадбирларга 93 миллион сўм маблағ сарфланганлиги бу борадаги ишларнинг салмоғини кўрсатиб турибди.

Эртасини ўйлаган миллат ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада аниқ ва истиқболли сиёсат изчил амалга оширилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини изчил ҳаётга татбиқ эта бориб, таълим тизимини ислоҳ қилиш, замонавий коллеж, академик лицейлар барпо этиш, мактаб таълимини ривожлантириш ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тармоқ касаба уюшмаси ижтимоий шерикчилик бўйича амалга ошираётган фаолиятининг муҳим йўналишлари - меҳнатга ҳақ тўлашни назорат қилишдир. Марказий кенгаш ва унинг қуйи бўғинлари ушбу масалага масъулият билан ёндошмоқда. Алоҳида ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши доимий назоратга олинди. Шунингдек, қарздорликни бартараф этиш учун бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳокимият органлари, банк ва прокуратурага 296 та талабнома киритилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли биргина ўтган йили 8 миллиард сўмдан зиёд иш ҳақи олиб берилди. Ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлган ходимлар ўз вазифасига тикланиб, иш берувчи ҳисобидан улар фойдасига 48 миллион сўм миқдорида моддий ва маънавий зарар ундирилди.

Соҳада ишлаётганларнинг аксарияти хотин-қизлардир. Шу боис оналар ва ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар беришни таъминлаш каби масалалар ҳам диққат марказимизда. Ўтган 6 ойда ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилларни узайтиришга касаба уюшмаси ҳисобидан 4 миллион 316 минг сўм сарфланди. Шунингдек, кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартиришга 12,5 миллион сўм тўланди. Фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга қадар тўланадиган нафақа учун 6 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, тармоқда меҳнат қилаётган камқонли, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган аёлларнинг бепул даволанишлари учун 5,5 миллион сўм касаба уюшмаси маблағи йўналтирилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган иқтидорли талабалар учун махсус устама стипендияси таъсис этилди. Ушбу имтиёздан айни кунда 45 нафар талаба баҳраманд бўляпти. Худди шундай стипендиялар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига ҳам имконият даражасида берилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишда ҳам бирмунча ишлар қилинди. Охирги беш йилда спортни ривожлантириш учун сарфланган маблағ умумий харажатимизнинг 15 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари, «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизимни ривожлантириш ва мусобақаларини ташкил қилишда фаол иштирок этдик. Ғолибларга 8 миллион сўмдан ортиқ қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик туфайли нафақат Марказий кенгашимиз, балки унинг бошланғич ташкилотлари фаоллиги ҳам ортди. Бу фаолиятимизга янги маъно ва мазмун бағишламоқда.

Носирхон АКБАРОВ,
Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси

БИР ТАШАББУС МЕВАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг халқ таълими тизимида бюджетдан ташқари маблағларни ишлаб топишни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори эълон қилинган пайтлар эди. Ўшанда Пахтаобод туман халқ таълими бўлимига маориф фидойиларидан Абдусамат ака Холмирзаев етакчилик қиларди.

Янги ўқув йилига янги режалар билан

Мудир бир талай режа дастурлар билан туман ҳокимлигига йўл олди. Хуллас, туман халқ таълими бўлими ҳузурида "Мактаб-таълим таъмир ишлаб чиқариш корхонасини очиш, илм ўчоқларида унинг филиалларини ташкил қилиш, ўқувчи-ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, шу йўсинда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш юзасидан таклифлар ҳокимликка маъқул тушди.

Абдусамат ака қисқа вақт ичида атрофига ўзи каби янгиликка ўч, изланувчан, ишбилармон, болажон маориф жонкуярларини жипслаштирди. Улар орасида касаба уюшма тармоқ кенгаши раиси Жумақўзи Қосимов, маркетинг хизмати бўлимини бошлиғи Мамасоли Боқиевлар ҳам бор эди.

Маъмурият билан касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг ўзўзини банд қилиш даражасини ошириш, ўқувчиларни меҳнат ва касбга тайёрлаш асосида таълим-тарбиянинг самарадорлигига эришиш каби мажбуриятлар қамраб олинганди. Касаба уюшма тармоқ кенгаши тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ижтимоий шерикчилик воситасида ҳамкорлар билан ишлашга қизғин киришди. Натижада "Мактаб таълим ва таъмир ишлаб чиқариш корхонаси" тузилиб, унга маҳаллий ишбилармон Комилжон Хаитов бошлиқ қилиб бириктирилди. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, шу асосда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш корхонанинг вазифаси этиб белгиланди. 44 та умумтаълим мактаби, 1 та гимназия, 2 та лицей-интернатда 17 та касб-ҳунар тўгараклари ишлай бошлади. 600 нафар ўқувчи-ёшлар ушбу тўгаракларда амалий машғулотлар жараёнида кулолчилик, тикувчилик, дурадгорлик, рассомчилик, бинокорлик касбларини ўзлаштиришга киришдилар.

Тадбиркорлик, бу имконият, эл қорига яраш демакдир. Кўп ўтмай, корхона қаторига нон ва макарон, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам қўшилди. Бир киши ариқ очса, минг киши сув ичади, деганларидек, қўним тополмай юрган 20 нафар фуқаро тадбиркорлик шарофати билан янги корхонада ишли бўлди.

Касб-ҳунар коллежларини тугаллаб вақтинча ишсиз юрган собиқ ўқувчи-ёшларни кондитер цехи, "Таълим-таъмир корхонаси" ўз бағрига олди. Мактаб буфетлари, ошхоналар, туман халқ таълими бўлими хусусий корхоналар, таъмирлаш фирмаларининг хизматидан ноилож фойдаланишга мажбур эдилар. Уларнинг баъзи бирлари игнадек ишни туядек кўрсатиб, бюджет маблағларини ўмаришга устаси фаранг эди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари кондитер цехи орқали буфет, ошхона, болалар боғчаларига арзон нархларда, воситачиларсиз етказиб берилиши айни муддао бўлди. Парта, доска, стол, стул, дарслик китоблар каби ўқув қуроллари, жиҳозлари, мактаб бинолари, синфхоналарни таъмирлаш муаммолари ҳам ечимини топди. Бу юмушларни, "Мактаб-таълим таъмир корхонаси" сифатли қилиб бажара бошлади.

Ҳаракатда баракат

Олтин косанинг ўрни доим тўрда - токчада, дейди, халқимиз. Ҳокимлик топшириғи билан А. Холмирзаев "ўтириб қолган" 31-лицей-интернатга директорликка ишга ўтказилди. Абдусамат ака бу ерда ҳам бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш ишларини гуруллатиб юборди. Қисқа вақт ичида илмгоҳда ҳомийлар кўмагида амфитеатр, болалар боғи ташкил этилди. Картошка, лимон ва бошқа полиз маҳсулотлари иссиқхоналарда етиштирилмоқда. Ортиқчаси шартнома асосида савдо дўконларига чиқарилиб, пул тушумлари ишхона хазинасига кирим қилиняпти.

Пахтаобод туман халқ таълими бўлимига эндиликда Абдусамат аканинг шогирдларидан Иқболжон Маматқулов мудирлик қиляпти. От ўрнини той босар, деганлари бежиз эмас. "2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш" давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш пахтаободлик маорифчиларнинг кундалик фаолияти мазмунига айланган. Бинобарин, таълим-тарбияни амалиёт билан уйғунлаштириш, зурриётларимизни фаол ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларда мулкдорлик, тадбиркорлик дунёқарашини қарор топтириш дастурда ўз ифодасини топган.

- Ўтган йили ёрдамчи корхоналар ҳамда мактаблар ва болалар боғчаларидаги томорқа хўжаликлар ҳисобига 10 миллион сўм атрофида соф даромад қилдик, - дейди Иқболжон Маматқулов. - Тадбиркорликдан ишлаб топилган маблағ мактаб ошхоналари, болалар боғчаларини ўзимизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, энг муҳими, мактабларни реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашда хамиртуруш бўляпти.

Мудирнинг айтишича, бу борада давлатнинг ёрдами катта бўляпти. Ҳукумат қарорига кўра, бюджетдан ташқари маблағ топиш, яъни тадбиркорлик билан шуғулланаётган ташкилот, корхоналар 2010 йилгача солиқ тўловларидан озод қилинган.

Тумандаги аксарият мактаблардаги томорқа хўжаликларида гул, терак кўчатлари етиштирилмоқда. Боғларда сарҳил мевалар ғарқ пишган. 1-ўрта мактабда тикув цехи, "Гўзаллик салони" очилган. Шу ҳисобга 8 та иш ўрни яратилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари кунига бир марта иссиқ овқат билан бепул таъминланади. Албатта, бу харажатлар ёрдамчи хўжаликдан тушган маблағ ҳисобидан қопланади. Гул, терак кўчати, боғ маҳсулотлари сотувидан келаётган даромад мактабнинг молиявий аҳволини яхшилашга харжланяпти. Бунга мисол тариқасида 17-умумтаълим мактабини олайлик. Янги ўқув йилида бу ердаги тикув-бичув тўгарагида ўқувчи-ёшлар либоси тайёрлаш йўлга қўйилди. Ота-оналар махсус кийим-бошни илгаригидек қиммат нархларда хусусий дўконлардан эмас, арзон баҳоларда мактабнинг ўзидан харид қиляптилар.

Бугунги кунда пахтаободлик маорифчиларнинг тадбиркорлиги туфайли қўллари узун. 413 та стол, стуллар, 856 та парта, 1000 та доска, лаборатория ўқув жиҳоз ва ашёлари, ошхона, буфет инвентарлари "Мактаб-таълим-таъмир" ишлаб чиқариш корхонаси ҳунармандларининг қўлида сайқал топди.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА



Наманган вилояти насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси томонидан экин майдонларига ҳаёт бағишлашда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма тасарруфидаги 218 та катта-кичик қувватли насос станциялари ҳамда 798 та суғориш ва 228 дона тик зовур қудуқлари орқали 25772 гектар ғалла, 25812 гектар пахта майдонлари, 24575 гектар боғ, токзорлар, 44841 гектар бошқа турдаги экинлар суғорилмоқда. Сувнинг мунтазам етказиб берилиши экин майдонларида мўл ҳосил тўпланишига асос бўлмоқда.

Бошқармада ишловчилар-ни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Меҳнат фахрийлари, кам даромадлилар, якка-ёлғизлар ҳам корхона ғамхўрлигидан четда қолмаётир.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар



Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Сайхунобод туман аҳли ҳам улуғ байрамни зўр шоду ҳуррамлик билан қаршиламоқда. Истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Хусусан, Ватанимиз ҳимоячиларининг ажойиб чиқишлари, бир жиҳатдан юртимиз сарҳадлари ишончли қўлларда эканлиги намойишига айланган бўлса, иккинчи жиҳатдан туман ёшларида Ватанга хизмат қилишга бўлган қизиқишни янада мустаҳкамлади. Тадбир дастури - кичкинтойлардан тортиб таниқли санъаткорларнинг чиқишлари кўнгилларга оламолам завқ бахш этди.

А.ЁРБЕКОВ

Фармон ва ижро

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ҳукуматимиз олдида турган мақсад ва вазифалар ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этаётир.

Эндиликда эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш баробарида бизнесни барқарор ривожлантиришга эътибор кучайиб бормоқда.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш юзасидан шу йилнинг июн ойида Президентимиз томонидан 4 та Фармон ва 1 та қарорга имзо чекилгани ҳам ушбу масала нақадар долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Айни пайтда вилоятимизда минглаб тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Ўтган ярим йилда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан 8 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Республика Президентининг "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, солиқлар юкини камайтиришга, солиқ тўлаш ва ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек, молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга қаратилгани бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Бир мисол. Юқорида зикр этиб ўтилган фармон ва қарорлардан сўнг биргина Фарғона вилоятида ҳисобот шакллари 560 мингтага қисқариши кутилаётир. Бу - биринчидан, солиқ тўловчи вақтини тежаса, яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир ҳисоботда биттадан бланка тўлдирганда, унинг бир донаси 100 сўм турадиган бўлса, субъект шунинг ўзидан қанча сумма фойда кўришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шунингдек, вилоят тасарруфида жойлашган "Ўздунробита" қўшма корхонасининг бу борадаги ўтган олти ойлик фаолияти таҳлил қилинганда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 222.8 миллион сўм маблағ солиқ ва тўловларга ҳисобланган. Бу даврда корхонанинг хизмат кўрсатишдан тушган тушуми 1 миллиард 465.3 миллион сўмни ташкил этиб, ҳисобланган солиқ ва тўловлар тушуми 15.2 фоизни ташкил қилган. Агар ушбу қўшма корхона кейинги олти ойда ҳам аввалгича тушумга эга бўлса, 13 фоизли ставкада 190.5 миллион сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланади. Яъни корхонага амалдаги тартибда ҳисобланган солиқ ва тўловларга нисбатан 32.3 миллион сўм кам солиқ ҳисобланиб, бу корхона учун яна шунча фойда қолишни таъминлайди.

Умуман, солиқ тўлаш тизимининг ихчамлаштирилгани тадбиркорлик субъектлари учун қўл келмоқда. Шундай бўлса-да, амалдаги қонунларни хаспўшлаётган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг тизгинини тортиб қўйиш билан бирга, ҳали бу борада соҳа мутахассисларининг ўзлари ҳам жуда кўп ишлашлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шу боис, жойларда солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасида ўзаро учрашувлар, семинар-кенгашлар ташкил этилган.

Масалан, биргина Фарғона шаҳрининг ўзидаги 72 та маҳалла фуқаролар йиғинида "Сиз қонунни биласизми?", "Тадбиркорлик - менинг келажагим", "Маҳалламни обод этаман", "Қонун менинг таянчим", "Кичик корхона ривожи- менинг тақдирим" каби мавзуларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Самараси эса чакки эмас. Қонунларни тарғиб этиш ҳамда тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада йўлга қўйиш борасида Қува, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон каби туманлар ва Қўқон шаҳар солиқ инспекцияларида кўплаб тажрибалар тўпланди. Эндиликда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли вилоят иқтисодини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш ва пенсия-нафақаларни ўз вақтида таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Аҳмадулла КАРИМОВ,
Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармасининг юридик шахслардан бюджетга тўловлар бўйича тушумларни назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи

Спорт оламида

Теннис

ЕТТИ ЎЙИН - ЕТТИ ҒАЛАБА



Кейинги йилларда Россия теннисчилари шиддат билан юқори поғоналарни забт этишга бўлган иштиёқларини амалда исботлаб, кўплаб ғалабаларга эришмоқдалар. АҚШ очиқ чемпионатида қайд этилаётган натижалар ҳам буни тасдиқламоқда.

Чемпионатнинг иккинчи куни кортга чиққан етти нафар россиялик теннисчининг барчаси рақибларини таслим этди. Энг қийин баҳс Анна Чакветадзе ва украиналик Виктория Кузнецова, Евгения Линецкая ва испаниялик Нурия Льягостере-Вивес ўртасида кечди. Қолган учрашувларда Россия вакиллари осонлик билан ғалаба нашидасини суришга муваффақ бўлдилар.

Олимпиада

ВЕЛОСИПЕДГА НИМА ЕТСИН!

2012 йилга ҳали етти йил бору ҳалитдан Буюк Британияда Олимпиада ўтказилиши муносабати билан юз бериши эҳтимоли тутилган турли муаммолар ечими ҳақида бош қотиришмоқда. Маълум қилишларича, 2012 йилда пойтахт аҳолиси автомобилларидан имкон борича камроқ фойдаланишлари ёки уни умуман сотиб юбориб, бира тўла ташвишдан қутилиб қўя қолишларига тўғри келади. Олимпиада ўтказилаётган кунларда эса Лондоннинг асосий кўчаларида машина ҳаракати мутлақо тўхтатиб қўйилади. Бунинг ўрнини қоплаш учун жамоат транспорти қатнайдиган кўплаб йўналишлар очилади.

Буларнинг ҳаммаси Лондон ҳавосини ифлослантиришдан муҳофаза қилишга қаратилгандир. Шу муносабат билан метронинг кеча-ю кундуз ишлашини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Лондонликлар ҳозирданоқ велосипед сотиб олиш ҳақида ўйлашмоқда.

Баскетбол

МОДДИЙ ЖИҲАТЛАРИ СИРЛИГИЧА ҚОЛДИ

Миллий баскетбол лигасининг «Портленд Трэйл Блейзерс» жамоаси ҳимоячиси Ник Ван Эксель МБАнинг амалдаги чемпиони «Сан-Антонио Сперс» жамоаси билан шартнома имзолади.



Ушбу келишувнинг моддий жиҳатлари ошкор этилмаган. 33 ёшли фахрий баскетболчи ушбу лигада 12 йилдан бери ўйнаб келади.

Футбол

ХАВОТИРГА АСОС ЙЎҚ

Португалия терма жамоаси аъзоси Арманду Петит миллий чемпионатда «Жил Висенте» клуби билан кечган ўйинда тизза-сидан жароҳат олди. «Бенфика» ярим ҳимоячисининг муайян муддатга сафдан чиқиши терма жамоа мураббийи Сколарини таркибни қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Лекин 3 сентябрда Люксембургни қабул қилиб, 7 сентябрда Москвада Россия меҳмон и бўладиган Европа вице-чемпиони учун хавотирга тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Сабаби Португалия ўз гуруҳида рақибларидан анча илгарилаб кетган бўлиб, рейтингга кўра анча кучсиз ҳисобланган Люксембург устидан ғалаба қозонилгач, Сёмин шогирдларига ўйинни бой берган тақдирда ҳам Сколари ўз жамоасини 2006 йилда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёрлай бошлаши мумкин.

Россия эса сўнгги икки учрашувда ҳам зафар қучибгина плей-оффдан умид қила олади.

ШЕВЧЕНКОНИНГ РАСМИЙ САЙТИ

Украиналик футбол юлдузи Андрей Шевченко ниҳоят ўзининг расмий интернет сайтини очди. Бу ҳақда «Милан» ҳужумчиси шундай дейди:

– Сайт 100 фоизга тайёр эмас. Аммо у мен ҳақимда тўғридан-тўғри маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, сайт орқали нафақат итальян, балки инглиз, рус ҳамда украин тилида ҳам бемалол фикрлашиш мумкин.

Шуниси қизиққи, Андрей сайтдаги илк маълумотларни она тилида киритган. Рус варианти украин тилидан ўгирилган.

МАШҲУР ҲАКАМ КЕТИШГА АҲД ҚИЛДИ

Италиялик машҳур ҳакам Пьерлуижи Коллина она шаҳри Виарежода ўтказган матбуот анжуманида ҳакамлик фаолиятини якунлаганини баён этган.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Италия Футбол Федерацияси ўз уставига ўзгартириш киритиб, 45 ёшли Коллинага мавсум охиригача ишлашга имконият яратганди.

– Ассоциацияда 28 йил ишладим. Энди кетиш фурсати етганини тушундим. Ўз ишимни кўнгилдагидек давом эттиришим учун ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлаши ҳам зарур эди, - деган ҳакам.

Яқинда ҳакам «Милан» футбол клубига ҳомийлик қилаётган фирма билан шартнома тузиб, жанжалнинг уясида қолганди. Чемпионлар лигаси баҳсларининг «Вильярреал» ҳамда Англиянинг «Эвертон» жамоалари ўртасида кечган ўйин Коллина ҳакамлик қилган сўнгги учрашув сифатида тарихда қоладиган бўлди.

З.РИХСИЕВ,
А.ЮНУСОВ
тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Фидокор халқимиз, барча соҳа ходимларини Мустақиллигимиз 14 йиллиги билан самимий табриклайди.

Барчамизга бахту саодат, тинчлик-омонлик ёр бўлсин!




СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



Ўтаётган ҳар бир осуда кунлар учун шукроналар бўлсин. Энг улуғ неъмат — Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрайлик.





ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

Улуғ айём муборак!

Келажагимиз ворисларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

14 YIL

Мирзачўл "маъданли сув" санаторийида байрамона руҳ кезиб юрибди. Ён-атроф чиннидек тоза. Гуллар ифори энтиктиради. Жамоа аҳлининг кўли кўлига тегмайди. 150 нафар дам олувчи беморнинг ҳам чеҳрасида байрам кайфияти. Хуллас, ҳамма байрам шукуҳига ғарқ, бироқ кундалик муолажалар давом этаётир. Кимдир маъданли сув, балчиқ билан, бошқа биров хитойча усулда даволаняпти. Физиотерапия хонаси ҳам гавжум. Душ, сауна ишлаб турибди. Кенг, шинам ошхонада тушликка ҳозирлик кўрилмоқда. Столлар усти чўгдек безатилган. Тушликка келган беморларнинг юз-кўзлари яшнаб кетди. Хуштаъм таомлар уларни хушнуд этди.

БАХТЛИ ОНЛАР НАШИДАСИ

Репортаж

Сиҳатгоҳда тушликдан кейинги дам олиш соатлари ҳар доимгидек бир маромда давом этди. Кун мағрибдан машриққа оққанда бош шифокор Жавлон Жўраев янги келганларни қабул қилиб, мулоқот ўтказди. Жиззахлик 81 ёшли Тожихон ая Маманазарова эътиборни тортди.

- Қаричиликми, билмадим, саломатлигим яхши эмас. Бормаган жойим қолмади, аммо шу ердагина жоним ором топгандек. Тўққиз йилдирки, шу сиҳатгоҳ шарофати билан қимирлаб юрибман. Бир аҳволда келаман, соғайиб қайтаман. Ишқилиб халоскорларимнинг тани-жонлари соғ бўлсин, дунё тургунча турсин, - деб дуога қўл очди онахон.

- Сиз қандай дард билан бу ерга келдингиз? - сўрадик бемор Иброҳим Жабборовдан.

У бироз сукут сақлади. Сўнг:

- Қаттиқ шамоллабман, балчиқ ва маъданли сувдан шифо топяпман, - деди.

Қундузхон исмли дўстликлик жувон ҳам шу усулда даволаниб, дарддан фориғ бўлганлигини айтди.

Қисқаси, миннатдорчилик сузларининг чеки йўқ. Оқшом қуюлди. Борлиқ тун кўрпасига бурканди. Кўкни ложувард юлдузлар қоплади. Қишлоққагина хос сарин шаббода, жилдираб оқаётган ариқ бўйидаги ялпиз ҳиди сармаст этиб, димоққа урилди.


Сиҳатгоҳ узра неон чироқлари ажиб порлаб, кечки танаввулдан сўнг барча чароғон майдонга йиғилди. Кўнгилни юксалтувчи хушбахт куй садоси янгради. Сўнг қутловлар, тилаклар айтилди. "Рақсга тушинглар, азизлар, бунинг фойдаси катта. Руҳингиз енгиллашади. Бадандаги тузлар эриб, вужуд дарддан фориғ бўлади", - деди бош шифокор.

Шундан сўнг рақс бошланди. Жавлон аканинг ўзи бургутдек қанотларини ёзиб, даврага тушди. Ўйнаган ҳам ўйнади, ўйнамаган ҳам...

Нафсиламбирини айтганда, байрамлардан бошқа кунлар ҳам бу сўлим гўшада рақс оқшомлари ҳар кеч ўтказилади.

Сиҳатгоҳ республикада ўз ўрнига эга. Ҳали айтганимиздек, дорисиз Хитой усуллари ва балчиқ, маъданли сув ёрдамида шифо топаётганлар оз эмас. Уларнинг сони кун сайин ошиб бораётир. Бир кунлик шифо баҳоси 6,5 мингдан 15 минг сўмгача. Мавжуд 150 беморнинг орасида 50 нафардан ортиқ кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳам бор. Улар 50 фоиз арзонлаштирилган нархда даволаняптилар.

Ш.ИСКАНДАРОВА,
"Ишонч" мухбири



"ОНА ВАТАНИМ" КРОССВОРДИ

Ёйлар бўйича: 1. Ватанимизнинг ҳудуди, энг катта вилояти. 2. Йилнинг санъат соҳасидаги истеъдод эгаларига бериладиган мукофот. 3. Тошкент вилоятидаги электр иншооти. 4. Хоразм вилояти тумани. 5. Дунёга машҳур мармар кони. 6. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 7. Андижон вилоятидаги саноат шаҳри. 8. Ватанимиз конларидан қазиб олинадиган рангли металл. 9. Ўсмирлар журнали. 10. Оламга танилган рақс гуруҳи. 11. Ўзбекистон жанубидаги тизма тоғ. 12. Қорақалпоғистон маркази. 13. Истеъдод соҳибларига тақдим этилаётган мукофот. 14. Иқтидорли ўқувчилар илмгоҳи. 15. Оммалашаётган спорт ўйини. 16. Жун ёки ипакдан тўқилган уй жиҳози. 17. Юртимизда бунёд этилган довон йўли. 18. Заргарлик буюми, тақинчоқ. 19. Ватанимиз жанубидаги кўмир кони. 20. Дунё миқёсида тан олинган миллий спортимиз. 21. Давлат рамзи. 22. Фарғона водийсидаги дарё. 23. Қадимда буюк ипак йўлининг тармоғи ўтган, Сангзор дарёси соҳилидаги вилоят маркази. 24. Ўзбекистон автомобили маркаси.


МУАММОНОМА

Очқич сўзлар:

1. Ватанимизда кенг имкониятлар очиб берилаётган фаолият - 11, 2, 25, 8, 1, 14, 18, 6, 16, 4, 1, 18.
2. Давлатимизнинг кўрсатилган мардлик учун бериладиган олий мукофоти - 16, 2, 10, 6, 13, 2, 11.
3. Самарқанддаги меъморий обида - 12, 22, 13, 25, 6, 13.
4. Оловкорлар номини олган шаҳар - 14, 2, 7 . !
5. Халқлар орзуси, истиқлол - 19, 13, 18.
6. Қорақалпоғистондаги шаҳар - 5, 17, 15, 3, 6, 23.
7. Фарғона водийсидаги обод этилган чўл ҳудуди - 21, 7, 21, 24, 6, 3.
8. Буюк, қудратли - 9, 4, 9, 20.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофида яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан табрик сўзларимизни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ
тузди



Қилич бобо Муҳаммедиев Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» хўжалигида ажойиб боғ яратиб кўпчилик оғзига тушди. Бундан уч йил илгари 3 гектар майдонда экган олма кўчатлари бўй кўрсатиб, ҳосилга кирди. Нафақадаги бу отахон яратувчилик ишига муносиб улуш қўшмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ
олган сурат

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ХОНАДОНИНГИЗГА ХУШХАБАР КЕЛДИ...

Туман марказида замонавий иншоот қад кўтарди. Ишхоналар, мижозларга хизмат кўрсатувчи зал, вақтли нашрлар, хат-хабарларни саралаш маркази тўлиқ ганчланиб, сувоқдан чиқарилди.

– Аввало мижозлар ва ходимлар учун қулай шароит яратилса хизмат баракали бўлади, – дейди «Жарқўрғон почтаси» туман бўлими бошлиғи Ҳасан Бердимуродов. – Ўз маблағимиз ҳисобига идора бинокори сифатли қилиб таъмирланди. Бундан икки йил муқаддам қаровсиз ҳолга келиб қолган ва бугунги муҳташам иморатни кўриб, янгидан қурилганми, дейсиз. Деразаларга алюмин профиллар ўрнатилиб, товуш ўтказмайдиган ва қуёш нурларини қайтарувчи ойналар қўйилди. Эскирган жиҳозлар янги стол-стуллар, жавонлар билан алмаштирилди. Олд томондаги йўлакчаларга пардозли ғишт ва плиткалар ётқизилиб, ямяшил арча, хар хил гуллар экилди. Қишлоқдаги мавжуд 19 та алоқа бўлимларида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди.

Почта – маданият кўзгуси. 155 мингга яқин аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган жамоа фаолиятидан мижозлар мамнун. Улар томонидан ҳудуддаги 14290 нафар пенсионерга 383 миллион сўмлик нафақалар тарқатиляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 55 миллион сўмлик 6597 дона матбуот нашрларига обуна расмийлаштирилган бўлиб, газета-журналлар ўз вақтида етказиляпти. Равшан Жумаев бошчилик қилаётган Қокайди, Ялғош Сариев мудир бўлган Минор, Рўзи Очилов бошқараётган Исмоилтепа алоқа бўлимлари хизматидан фуқаролар мамнун.

Хушхабарчилардан Турғун Алимназаров, Панжи Чориев, Чори Шойимовларни ҳамиша аҳоли хонадонларида, қишлоқ ва маҳаллаларда учратасиз. Эришилаётган натижалар ҳам кутилганидан зиёд. Ҳозирга қадар 1,5 миллион сўмлик хат, 2,5 миллион сўмлик пул маблағлари, 600 минг сўмлик ҳар хил жўнатмалар, 3,2 миллион сўмлик обуна ишлари амалга оширилди. Газета-журнал сотиш, шаҳарлараро сўзлашув, телеграмма жўнатишдан 23 миллион сўм даромад олинди.

Почта-алоқа бўлимида аҳоли учун қатор қулайликлар яратилган. Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун 71 миллион 517 минг, газ тўловлари учун 8,5 миллион, телефон ва ичимлик суви ҳақига 1,5 миллион сўм маблағ йиғиб олиниб, тегишли ташкилотлар ҳисобига ўтказилди. Жарқўрғонликлар хушхабарчиларни орзиқиб кутишади. Уларнинг қадами туманнинг энг чекка қишлоқларидаги хонадонларига ҳам етиб борган. Беминнат хизмат одамларга манзур бўлиб, аҳоли узоғини яқин, мушкулини осон қилаяпти.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЭЪЗОЗ

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишда «Тошшаҳарйўловчитранс» ҳиссадорлик компанияси корхоналари жамоалари ҳам фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Ўз бурчини садоқат билан адо этиб келаётган транспортчилар меҳнати муносиб тақдирланаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Мустақиллиги байрами муносабати билан бундай фидоийлардан бир гуруҳи «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими» кўкрак нишонига сазовор бўлди. Компания таркибидаги Тошкент метрополетенинг «Чилонзор» электродепоси электропоезд машинисти Владимир Фадеев, «2-Автобус саройи» ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Эргаш Олимжонов, 2-Троллейбус депосининг электроника бўйича чилангари Олимжон Ҳакимов ва бошқалар ана шундай фахрли ном эгаси бўлишди.

Бундан ташқари, бир гуруҳ илғорлар Компаниянинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

НУРХОНАЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Республикамизда гидроэлектростанциялар тармоғини кенгайтириш йўлида катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси мутахассислари саъй-ҳаракати билан бундай нурхоналар асосан кичик ва катта ГЭСлар янглиғ фойдаланишга топширилади.

Шу яқин йиллар ичида бундай нурхоналардан олтитаси фойдаланишга топширилади. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида буёд этилаётган Ҳисор нурхонаси катта иншоот сифатида иш бошлайди. Бу ерда соатига 45 мегаватт кучланишда нур етказиб берилади.

Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қўрғонида қурилаётган кичик ГЭС соатига 2,1 мегаватт нур таратиш қувватига эга бўлди.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Ўзбекистон савдо-саноат Палатаси раиси Алишер Шайховга акаси

Илҳом ЭРКИНОВИЧнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар экран асарлари орқали ҳам оммалаштирилмоқда. Республикамизнинг киноҳужжатчилари томонидан суратга олинаётган фильмларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг илғор усулларини акс эттирувчи картиналар ҳам бор.

«Ҳулкар-фильм» студияси тақдим этган «Қуёшга интилиб» деб номланган ҳужжатли видеофильм ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу экран асари таниқли шифокорлар ҳамда тажрибали мутахассисларнинг фойдали маслаҳатлари билан бойитилган. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги йил давомида инсон саломатлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ўнга яқин фильмни тақдим этади.

НАЖОТ ШАҲРИ

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги номига Ялта шаҳридан хуш хабар келди. Ушбу мактубда ўзбек кино ҳужжатчилари яратган «Уруш... Уруш ортида... Нажот шаҳри» деган видеофильм ҳақида илиқ гаплар айтилди. Гап шундаки, ялта шаҳрида яқинда «Вместе» VI халқаро Телекинофорулей ўтказилади. Бизнинг фильмимиз ушбу нуфузли тадбирнинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди. Айни вақтда экран асари анжуман доирасида уюштириладиган танлов дастуридан ҳам ўрин олди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ўзбек халқининг қўшган катта ҳиссаси, кўрсатилган ўзбекона меҳр-оқибат тўғрисида ҳикоя қилувчи, «Уруш... Уруш ортида..... Нажот шаҳри» экран асари чиндан ҳам ўзбек кино усталарининг жиддий ижодий ютуғи бўлди.

А.АКБАРОВ


ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ

Жисмоний тарбия ва спорт ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Туркиянинг Мармарис шаҳрида Европа ва Осиёдан келган юзлаб ёшлар юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда иштирок этдилар. Ҳал қилувчи мусобақаларда Навоийдаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Шерзод Ургучев ўз вазни тоифасида кучлилигини намойиш этиб, совринли ўринни эгаллади.

Навоий вилоятида бадиий гимнастикадан спорт устаси, Осиё чемпиони Ульяна Трофимова, халқаро тоифадаги спорт устаси Анастасия Берестецкая мамлакат терма жамоаси аъзоси Гўзал Мухторовалар изидан бориб, янги истеъдодлар камол топмоқда. Чирчиқнинг муҳташам спорт мажмуасида бўлиб ўтган аёллар спартакиадасида Кармана, Хатирчи, Навбаҳор туманларидан терма жамоа сафига киритилган эпчил ва чаққон қизлар сузиш ҳавзаси ва баскетбол майдонларида ўзларини кўрсатдилар.

Фахр



Стритбол устаси Лидия Ҳакимова «Спортдаги юксак маҳорати учун» махсус совринни қўлга киритиб, олқишга сазовор бўлди.

Ҳиндистоннинг Аллапея шаҳрида спортнинг қадимий тури пауэрлифтинг бўйича ўтказилган мусобақада дунёнинг 20 мамлакатидан 672 нафар йигит-қиз иштирок этди. Қўриқ воҳа ёшлари спортнинг бу мураккаб тури ривожланган Япония, Қозоғистон, тайбейлик тенгдошларидан қолишмасликларини намойиш қилишди. Ўзларининг вазн гуруҳларида Сергей Геес, Ефим Наниев, 15 ёшли ўсмир қиз Катя Рябова ғолибликни қўлдан беришмади. Энг қувончлиси, ҳамюртимиз Юлий Стесенко тўртинчи марта чемпионликни қўлга киритганда унга мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси садолари остида турнирнинг махсус кубоги топширилган.

Аёллар орасида Ольга Малюгинага тенг келадигани топилмади. Спорт фахрийси Александр Лузанов, ёш спортчи конимехлик Зафар Ҳодиев, навоийлик Дилшод Назаров, Учқудуқ шаҳридан Даниел Тсенниковлар Осиё рекордини янгилаган бўлишса, педагогика институти талабаси Давлат Жубанов бронза медали билан тақдирланди.

Ёшлар ва ўсмирлар мактабининг ўқитувчиси Равил Хайитов мураббийлигида машқ қилаётган енгил атлетикачилар республика шаҳарлари ўртасида ўтказилган кубок мусобақаларида ўзларини кўрсатишди. 400 метрлик масофага югуришда Азиза Равшанова, Ғулом Ёвқочев, Холида Ёрмуҳаммедова, Нелли Ҳайитовалар ғолибликни эгаллаб, республика мусобақаларида қатнашиш шарафига сазовор бўлишди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги соврини учун Бухорода уюштирилган баскетбол мусобақаларида 1987-1988 ва 1989-1990 йилларда туғилган қизлар қатнашдилар. Барча гуруҳлардаги беллашувларда фаоллик кўрсатган навоийлик ўсмирлар фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Кон металлургия комбинатининг стритболчи аёллари Наталья Зимина, Зоя Соколова, Елена Гларушкиналар Болгариянинг Албина шаҳрида халқаро ишчилар спартакиадасида олтин медал соҳиблари бўлишди. Кармана туманининг К.Раҳимов номли ширкат хўжалигида вояга етган Мурод Ўринов Наманган шаҳрида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича мамлакат чемпионатида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, кумуш медал соҳиби бўлди.

Қизилқум бағрида яшнаб, яшариб бораётган кенжа вилоят спортчилари довруғи оламга ёйилмоқда.

И.ТИЛЛАЕВ

«УМИД»
КУБОГИ - МЕЗБОНЛАРДА

Олмалиқ шаҳрида 1990 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича «Умид» кубоги учун ўтказилган мусобақада ўн жамоа майдонга тушди.

Мусобақа финалида Тошкент ва Наманган вилоятлари футболчилари ўзаро куч синашди. Асосий беллашувда наманганликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган мезбон жамоа футболчилари мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсда Тошкент шаҳри вакиллари бухороликлар устидан 4:1 ҳисобида зафар қучди.

ЯХШИЛИК ҚИЛИНГЛАР

Дунё муҳаббатини кўнгилдан чиқариш дилга роҳат беради. Дунёга қизиқиш эса ғам ва хафаликни кўпайтиради. Ишсизлик эса қалбни қорайтиради, тошбағир қилади.

***

Кишидаги феълларнинг энг ёмони қаттиқ очкўзлик билан қаттиқ қўрқоқликдир.

***

Мўйсафиднинг жисми заифлашади-ю, лекин қалби икки нарсанинг муҳаббатида йигитдек қолади:

1. Узоқ умр орзуси.
2. Мол-дунё муҳаббати.

***

Қариндошчиликни узган кишига сен алоқан тикла. Ёмонлик қилганга яхшилик қил. Агар ўз зарарингга бўлса ҳам ҳақ гапни гапир.

***

Тонгда ухлашлик ризқни қияди.

***

Сабр деб мусибат етган вақтида дарҳол ўзини тўхтатишга айтилади.

***

1. Камчилиги йўқ ҳолда камтарлик қилган; 2. Муҳтожлиги йўқ ҳолда ўзини кичик олган; 3. Жамғарган молини яхшиликка, савобга сарфлаган; 4. Ҳалоли пок, доно кишиларга аралашган; 5. Фақир бечораларга раҳмдил бўлган одамларнинг иш натижалари қандай ҳам яхши.

***

Одамларнинг қўлидаги нарсага таъма қилма, таъмадан қоч, чунки у нақд муҳтожликдир. Таъма қилмоқлик уламоларнинг дилларидаги ҳикматларни кетказади.

***

Сенинг касалингда келиб кўрмаган одамни касал бўлиб қолса сен бориб кўр. Сенга ҳадя бермаган одамга сен ҳадя бер.

***

Оталарингизга яхшилик қилинглар, болаларингиз сизларга яхшилик қилишади.

***

Кимгаки биродари узр айтиб келса, ҳақ бўлса ҳам, ноҳақ бўлса ҳам узрини қабул қилсин.

***

Илм икки хилдир: бири қалбда бўлади, иккинчиси тилда.

***

Ғашлик ва ҳасад яхши хасанотларни ейди, худди ўт ўтни егандек.

***

Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш иймондандур. Қизғанмаслик эса мунофиқликдандур.

«ҲАДИС»ДАН

Ўгит

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 123456